

«Ҳалол-туризм» фаолияти бўйича Ломбок оролида музокаралар ўтказилди



11:40 / 01.07.2019 1862

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш бўйича Давлат қўмитаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси делегацияси «ҳалол-туризм» ривожланишининг маркази ҳисобланган Ломбок (Индонезия) оролида музокаралар ўтказди. Бу ҳақда muslim.uz сайти хабар беради.

Ғарбий Нуса вилояти губернатори ўринбосари Сити Рохми Жалилах билан учрашувда икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболлари кўриб чиқилди. Қайд этилишича, Ломбок ороли бутун дунёда Индонезия «ҳалол-туризм» ривожланишининг маркази ҳисобланади. Бу ерга ҳар йили 4 миллиондан ортиқ сайёҳлар ташриф буюради.

Ташриф яқунларига кўра, вилоят туризм бошқармаси, туристик агентликлар, меҳмонхоналар ва ресторанлар маъмуриятлари билан 5 та шартнома имзоланди. Ушбу шерикчилик алоқалари икки мамлакат ҳудудларининг ҳамкорлиги учун асос бўлиб хизмат қилади.

«Дунё» ахборот агентлиги хабарига кўра, шу йилнинг август ойида индонезиялик ҳудудий делегация Бухорога ташриф буюради.

Islom.uz портали таҳририяти